

# **ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ**

ШРУТТАЛЫК ШАХМАТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЖОДКОР ЁШЛАР МАРКАЗИ

**ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ**  
**(“ҲАЙРАТ ВА ТАЛКИН” туркумидан)**

Бу хоро давлат университетининг 85 йиллиги ва профессор Тожи  
Қораев таваллудининг 80 йиллигига бағишлиланган  
илемий-методик мақолалар тўплами

Тошкент – 2016  
“Наврӯз” иашриёти

бўлмаган парчаларни овоз чиқариб ўкиш билан бирга кўшиб олиб бориш керак.

Юқори босқичда талаффуз килиш соҳасида кўйиладиган вазифа асосан ўрта босқичдаги вазифадан фарқ қилмайди. У ҳам эшитиб талаффуз килиш кўникмаларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдан иборатdir. Шундай килиб, талаффуз устида ишлаш ўкув жараёнида босқичдан босқичга ўтганда ўз характеристери ва ўрнига қараб ўзгартирилиб, ўқитишнинг бутун жараёни давомида олиб борилади.

Агар бошланғич босқичда бу иш эшитиб талаффуз килиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат бўлиб, ишнинг умумий системасида муҳим ўринни эгалласа, ўрта ва юқори босқичларда эса бу кўникмаларнинг такомиллашувини, уларнинг мустаҳкамланишини, айrim мураккаб фонетик ҳодисалар устида пухта ишлашни ҳамда нутқ фаолияти жараёнида талабалар олдига талаффуз борасида айrim талаблар кўйилишини тақозо қиласди.

### *Хожиев Г. (БухДУ ўқитувчиси)* **“ÊTRE” ФЕЪЛИ ВОСИТАСИДА ЯСАЛГАН ИБОРАЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ**

Фразеологизмлар, яъни иборалар тилшуносликнинг фразеология бўлимида ўрганилиб, ҳар бир тилнинг кенг имкониятларини очиб беришда, уни образли ва эмоционал тарзда ифода этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, фразеологизмларни тадқиқ килиш ва уларни хорижий тиллардаги фразеологик бирлик (бундан кейин ФБ)лар билан киёсан ўрганиш ўзбек тилшунослигида узоқ илдизларга бориб тақалади.

Ўзбек тили Фбларининг назарий ва амалий муаммолари Ш.Рахматуллаев, И.Кўчкортоев, А.Хожиев, Э.Умаров, Я.Пинхасов, Ҳ.Бердиёров, Б.Йўлдошевларнинг ишларида ўз аксини топган [1.264].

Тилимизнинг бой фразеологик имкониятларини очиб берувчи ўзбек фразеологизмига Ш.Рахматуллаев асос солган бўлиб, бу борада унинг 1978 йилда яратилган “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати” муҳим кўлланма бўлиб ҳисобланади. Турли ҳажмдаги илмий мақолалар, рисолалар, номзодлик диссертациялари билан бир каторда А.Э.Маматовнинг “Хозирги замон ўзбек адабий тилида лексик-фразеологик норма муаммолари” (1991), Б. Йўлдошевнинг “Хозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал услубий хусусиятлари” (1994), А.Э.Маматовнинг “Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари” (2000) ва Н.Н.Сувонованинг “Фразеологиянинг систем-сатҳ сифатидаги талқини” (2008) сингари илмий ишлари ҳам соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Фразеологизмлар ичida феъли Фблар катта микдорни ташкил этади. Зоро, замонавий француз тилидаги ўртача ҳар икки Фблан бири

фөйлли ФБга түгри келиши юқоридаги фикрни тасдиклайды. Содда фөйллар воситасида ясалган иборалар умумий француз тили гап курилишида мухим ўрин эгаллады. Уларнинг кўпчилиги avoir, faire, être, prendre, mettre каби фөйллар ёрдамида ясалади.[3.91] Бундай ҳолатда фөйллар гапда алохидаги эмас балки, ўзи биринкан сўз билан биргаликда гап бўлғи вазифасини бажаради ва кўплаб семантик алоқаларни вужудга келтиради.

Субстантив, равишли, отли ФБлардан фарқли равища фөйлли ФБлар лексик-грамматик жиҳатдан бошқа турдан ҳосил ҳам бўлмайди ва бошқа турдаги ФБларга асос ҳам бўлолмайди. Фөйлли ФБлар бошқа сўз туркумлари билан ясалган фразеологизмлардан фарқли, таркибида албатта фөйл иштирок этиши билан характерланади. Бунда иборалар таркибидаги фөйл аксар ҳолатларда биринчи ўринда, камдан-кам ҳолларда эса иккинчи ўринда жойлашган бўлади.

Француз тилида ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлар таркибидаги ҳам юқорида номлари келтирилган фөйллар, хусусан, “être” (“бўлмоқ”, “бор бўлмоқ”, “-дир”) фөйли ёрдамида ясалган иборалар кўпчиликни ташкил қиласиди. Бундай ибораларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

№	Ибора	УНИНГ МУҚОБИЛИ
1.	être gris (ciel)	кулранг бўлиб қолмоқ, бўзармоқ, қовоғи солиқ бўлмоқ (осмон); ширақайф бўлмоқ; соч-соқоли оқармоқ
2.	être toute grise	сур рангда бўлмоқ, қизғиши тусга кирмоқ
3.	être (couché) sur des roses	ҳаёт лаззатларидан баҳра олмоқ
4.	être dans ses noirs	тушкун кайфиятда бўлмоқ, чексиз қайғуда бўлмоқ,
5.	être (se mettre, se trouver) dans de beau (de jolis, de mauvais, de vilains) draps blanc	ноқулай ахволда қолмоқ, хижолатли, мушкул вазиятта тушмоқ.
6.	être blanche comme neige	ўзини оптоқ ҳисобламоқ; айбизиз бўлмоқ
7.	être blanc comme du (un) linge	ранги чиқмаслик; ранги докадай оқариб кетмоқ; рангидан қон (ранг) йўқ бўлмоқ; ранги кув ўчмоқ
8.	être brun	қоп-кора сочли бўлмоқ; корамағиз, бугдойранг бўлмоқ
9.	être dans le noir	дом-дараксиз йўқолмоқ
10.	être devenir bleu	очилиб кетмоқ (кун, ҳаво); булутсиз бўлмоқ (осмон)
11.	être noir	маст бўлмоқ
12.	être en noir	азадор бўлмоқ
13.	être horriblement noire	бехад зулматли бўлмоқ
14.	être jaune comme du safran	сан-сариқ бўлмоқ; сарик касал билан

		оғримок
15.	être toute rouge de colère	жахлдан тутақиб кетмок
16.	être dans le rouge	мушкул ахволга тушмок, таҳликали вазиятда қолмок
17.	être connu comme un loup blanc	отнинг қашқасидай маълум бўлмоқ
18.	être fleur bleue	хис-ҳаяжонга (эҳтиросга) ҳаддан ортиқ берилмоқ
19.	être vert	кучли бўлмоқ; навқирон, тетик бўлмоқ
20.	être bleu	бенихоя ҳайратда қолмок

Ушбу мисолларда француз тилидаги деярли барча ранглар “être” феъли билан бирикиб, ибора ясаган. Масалан: *blanc* – оқ, *bleu* – кўк, мовий, *noir* – қора, *gris* – кулранг, *brun* – жигарранг, *vert* – яшил, *rouge* – қизил, *rose* – пушти, *jaune* – сарик. Куйида эса улар иштирокида бир неча мисоллар таҳлил этилади:

1 – Мисол.

*Je ne peux pas te prêter de l'argent, je suis dans le rouge en ce moment.* — Мен сенга пул бериб туролмайман, ҳозир мушкул ахволдаман.

Гапда метафора (белги ўхшашлиги) асосида маъно кўчишини кўриш мумкин ва бу мазмунга янада бўёқдорлик бағишлайди. Ибора рангни билдирувчи сўздан ясалсада, ҳолатга ишора килади.

2 – Мисол.

*Dans sa région il est connu comme un loup blanc.* — У ўз доирасида отнинг қашқасидай маълум.

Ушбу ўринда француз тилига жос бўлган жонли такқослари усули (*loup* – бўри)дан, шунингдек, метафора (белги ўхшашлиги) асосида маъно кўчиши ( бўрининг оқлигини — отнинг қашқасига қиёслаш)дан фойдаланилган. Ибора ўзбек адабиёти миллий тил хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда ўтирилган, бу эса таржиманинг ўкувчига янада тушунарли бўлишига хизмат қилади.

3 – Мисол.

*Ayant voir de Simon vivant près de la porte, Jaques était blanc comme un linge.* — Эшик олдида Жакни тирик кўриб, Симоннинг ранги қув ўчди.

Мазкур гапда comme (худди) предлоги асосида ўхшатиш усулидан фойдаланиб, ФБ ясалган. Иборани ўзбек тилига “кўркди” деб ҳам ўгириш мумкин. Бунда ўғирма бир сўзга тенг бўлиб қолади, аммо маъно ўзгармайди. Уни “ранги қув ўчмоқ” шаклида бериш эса, услубий бўёқдорлик касб этиб, бу ҳолат тилимизнинг бадиий тасвирга нақадар бой эканлигидан далолат беради.

4 – Мисол.

*Il était gris quand il est sorti du café.* — Қаҳнахонадан чиқсанада у ширакайф эди.

*Actuellement il est complètement noir.* — Ҳозир уғирт маст.

Юқоридаги мисоллар ўзаро маънодош бўлиб, доминант - маст сўзи атрофига бирлашади. Гаплар бир феъл асосига курилган. Француз

тилидаги Фблар турли ранглар (*gris* ва *poir*) воситасида ясалган бўлсада, мазмунан ўзаро синонимдир. Шу билан бирга 2 – гапда мазмун 1 – гапга қараганда кучлироқ бўёқдорликка эга.

5 – Мисол.

*Elle est déjà toute grise.* — Унинг сочига аллақачон оқ тушган. Бу мисол иборанинг омонимлик хусусиятга эгалигини тасдиқлади (4-мисолга қаранг). Яъни, *être gris*:

- 1) ширақайф бўлмок;
- 2) сочига оқ тушмок, демакдир:

Француз тили фразеологиясида “соch(соқол)iga оқ тушмок” маъносини англатиш учун *blanc* – оқ рангдан эмас, балки *gris* – кулрангдан фойдаланилади. Бу французларда миллий тил хусусияти бўлиб хисобланади.

Таржималардан кўринадики, иборалар ўзаро синоним, омоним, антонимлик хусусиятларига эга бўлиши мумкин.

“*Etre*” феъли воситасида ясалган француз Фбларининг ўрганилган умумий хусусиятларидан келиб чишиб, куйидагича холоса қилиш мумкин:

- 1) Фразеологизмлар ичida феълли Фблар, хусусан, *être* феъли ёрдамида ясалган иборалар катта миқдорни ташкил этади.
- 2) Фразеологизмлардан англашилаётган маънолар аниқ вазиятларни тасвирлаш асосида шакланади.
- 3) Ранглар воситасида ҳосил бўлган феълли иборалар феъл+предлог+от, феъл+богловчи+от+сифат, фел+хол+олмош+сифат, феъл+сифат формулалари асосида ясалishi мумкин.
- 4) Иборалар ўзаро синоним, омоним, антонимлик хусусиятларига эга.
- 5) Жонли такқослаш усули, метафора ва метонимия асосида маъно кўчиш ходисалари француз миллий тил хусусиятларидан хисобланади.
- 6) Фразеологизмлар баъзан структуравий жихатдан сўзларга эквивалент бўлиб келишлари мумкин.
- 7) Айрим иборалар таржимада мос келмай, бошқа бирликлар орқали ифодалансада, бу холат таржима тили ва усулининг бир хил бўлиб қолмаслигини таъминлайди.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Т., 1991.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик лугати. Қомуслар бош таҳририяти, Т., 1992.
3. Умбаров Н., Ҳамроқулов Г. Ҳозирги замон француз тили лексикологияси. Т., “Ўқитувчи”, 1996.
4. Ўзбек тилининг изохли лугати. Т., Давлат илмий нашриёти, 2006.
5. Gougenheim G. Dictionnaire fundamental. Р., 1964.
6. LAROUSSE. Dictionnaire Maxipoche. Р., Editions Larousse, 2011.

Хикматова М. ЧЕТ ТИЛИДА НУТҚ МАЛАКАЛАРИНИ ЎСТИРИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАФУЗНИНГ РОЛИ .....	303
Хожиева Г. “ÊTRE” ФЕЪЛИ ВОСИТАСИДА ЯСАЛГАН ИБОРАЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ .....	305